

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛӢ ВА УРӢА МАҲСУС ТАҶЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМӢ НОМИДАГИ
Тонкент давлат педагогика университети

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 512: 378: 371-3

НАЖМИДИНОВА Ҳилола Ёкубжановна

ОЛӢ ТАҶЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АЛГЕБРАНИ ЎҚИТИШДА
ТАЛАВАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТЛАРИНИ
ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

11.00.02 – Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика)

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тонкент – 2011

Иш Наманган давлат университетида бажарилган

Илмий раҳбар

физика-математика фанлари доктори, профессор
Бадалов Махмуджон Ибрагимович

Расмий оппонентлар: физика-математика фанлари доктори, профессор
Мусаев Давлатали Қаххарович

физика-математика фанлари номзоди, доцент
Боқиев Рахматулла Рахматович

Етакчи ташкилот **Ўзбекистон Миллий университети**

Химоя Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги К.062.18.01 раками **Ихтиосослашган** кенгашнинг «6 декабрь 2011 йил соат 14:00 да ўтказиладиган мажлисида бўлади. Манзил: 100070, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-үй. Тел.: 254-92-02, факс 215-54-18, e-mail: tgpu_info@edu.uz.

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот ресурслари марказида танишиш мумкин.

Автореферат «2 » ноябрь 2011 йилда тарқатилди.

Ихтиосослашган кенгаш
илмий котиби педагогика
фанлари номзоди, доцент

Р.Г.Муллахметов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон миллий ривожланишнинг истиқболли режасини тузиш ва уни рўёбга чиқариш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишининг ҳал қилувчи йўналишларидан бири этиб таълим-тарбия соҳасини белгилади. “... биз хозирданок тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳакида чукур ўйлашимиз, бу борада узок муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги мэрраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор”¹. Бундай дастурлар сирасига бугунги кунда амалиётга кенг кўламда татбиқ этилаётган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни киритиш мумкин. Мазкур хужжатларда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимининг узвийлигини таъминлаш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш кўзда тутилган.

Хар бир фан материалларини атрофлича, пухта эгаллаш, эгаллаган билим, кўнікма ва малакаларини амалиётда ўринли қўллай олиш, замон билан ҳамнафас бўлиш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўз устида доимий ишлаш, кўйилган ҳаётий ёки илмий масалаларга тўғри ва ижодий ёндошган ҳолда энг мақбул ечимни топиш, ўз малакасини мунтазам ошириб бориш, танлаган соҳаси ёки касбига оид дунё миқёсидаги янгиликлардан, эришилаётган ютуклардан доимо боҳабар бўлиш ва уларни ўзининг фаолиятига бевосита татбиқ қилиш, инновацион фаолият олиб бориш, бунда масоғавий таълим технологияларидан самарали фойдаланиш бўлгуси мутахассислар олдига кўйилган давр талабларидир. Равшанки, қайси соҳада бўлишидан қатъий назар, мамлакат мутахассислари юкори малакали бўлсалар, жаҳон молиявий иқтисодий инқирознинг шу мамлакат тараққиётига таъсири нисбатан кам бўлади.

Талаба-ёшларнинг янги авлодини юкоридаги талабларга жавоб бера оладиган мутахассис қилиб этиштириш миллий таълимнинг шакл ва шамойилида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у таълим жараёнини мустақил билим олиш асосида замонавий усувларда, янгича кўринишларда ташкил қилишга ундейди. “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга этиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб кўйганмиз”².

¹ И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари” асаридан, 36-бет. (Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.56).

² Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиши – устувор максадимиздир. – Президент И.Каримовнинг Ўз Р Олий Маъжлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан. (Халқ сўзи, 28.01.2010 й.)

Маълумки, мактаб (лицей ёки коллеж) ва олий таълим муассасалари таълими бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу фарклар бир қатор йўналишларда, хусусан, ўкув материаллари ҳажмининг катталашиб, кийинлик даражасининг ортишида, таълимнинг асосий шакли бўлган дарснинг олий таълим муассасаларида маъруза, амалий, семинар машгулоти ва бошқалар билан алмашинишида, мустакил фаолият шаклларининг ҳар хиллиги ва шу кабиларда кўзга ташланади. Бундай тафовутлар, айниқса биринчи курс талабаларининг олий таълим муассасаси мухитига мослашишларида қатор кийинчиликлар туғдиради. Бу ҳолат қуий курс талабаларининг билим олиш, хусусан, мустакил билим олишларини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиш, билимларни эгаллашда талабалар дуч келадиган кийинчиликларни осонроқ енгиб ўтишларига шарт-шароитлар яратиш заруратини вужудга келтиради.

Талаба ўзининг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятлари билан ўкув чидан фарқ қилади. Бу фарқ асосан, дунёкарашнинг кенгайганида, ўрганишдан кўзланган мақсаднинг аниклашганида, қизиқишларнинг бир мақсадга йўналтирилганида, ироданинг баркарорлашганида - умуман, талабанинг шахс сифатида шаклланганинига намоён бўлади. Ўкувчидан фарқли равишда талабанинг янги билимларни эгаллаш, янгиликлардан боҳабар бўлиш эҳтиёжлари даражаси ўқитувчиларнинг билим бериш имкониятлари даражасидан юкори туради. Ўқитувчиларнинг имкониятлари, асосан вакт нуктаи назаридан чекланган. Шу боис ҳам талабалар ўзларининг эҳтиёжлари даражасида билимларни эгаллашлари учун уларни мустакил билим олишга тўғри йўналтириш, етаклаш зарур. Ўқитувчилардаги билим бериш имкониятлари чегараланганинг салбий таъсиirlарини етакчи мутахассислар ишлаб чиккан методлар, ишланмалар, кўрсатма ва қўлланмалар орқали камайтириш ҳисобига талабаларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтириш лозим.

Ҳозирги замон талбларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда кейинги ўн йилликлар давомида анъанавий таълим жараёни мустакил таълим орқали такомиллаштирилмоқда.

Талабанинг мустакиллигини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълимни жорий этиш борасида Республикаимиз олий таълим тизимида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим шакли, боскичи ва йўналишидан қатъий назар таълимнинг мазмуни (талабалар ўзлаштириши керак бўлган материаллар мажмуи) кескин ўзгармагани ҳолда уни талабаларга етказиш борасида, амалдаги ўкув режаларида фанлар бўйича умумий соатлар микдори деярли сакланиб, мустакил таълим соатлари микдорини боскичма-боскич кўпайтириш ҳисобига аудитория машгулотлари¹га ажратилган ўкув соатлари микдорининг тобора камайтириб борилишида кўзга ташланмоқда. Ҳозирги кунда амалдаги ўкув режаларига кўра аксарият фанлар бўйича мустакил таълим учун ажратилган соатлар микдори умумий соатнинг деярли 50 % ини ташкил килмоқда. Бу бакалавриат боскичи йўналишларининг ўкув режаларида аудитория машгулотлари учун ажратилган хафталик ўкув

¹ маъруза, амалий, семинар, лаборатория ва шу каби машгулотлар.

соатлари микдорининг йилдан-йилга камайишида намоён бўлмоқда.

Таълим йўналишларининг амалдаги ўкув режаларида айни бир фан учун белгиланган умумий ўкув соати иккى қисмга: аудитория ва мустакил таълим соатига ажратилган. Аудитория соати ўкув режаларида аудитория машгулотлари учун тақсимланган ҳолда берилган. Мустакил таълим соати яхлит ҳолда берилган бўлиб, талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятини қандай материаллар асосида йўлга кўйиш ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда бу фан ўқитувчиларининг ўкуви, билими, тажрибаси ва педагогик маҳоратига ҳавола қилинган. Бу тақсимотни схематик тарзда куйидагича ифодалаш мумкин (1-расм):



1-расм. Фан бўйича ажратилган умумий соатнинг ўкув режасида тақсимланиш схемаси

Юкорида келтирилган мулоҳазалардан кўринадики, ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил қилишда талабаларнинг дарс машгулотлари вактидаги ўкув фаолиятлари билан биргаликда мустакил ўкув фаолиятларини ҳам самарали ташкил қилиш асосий масала бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, мавзунинг долзарблиги, қуий курс талабаларининг олий таълим тизими мухитига мослашувларининг осон кечмаслиги, ўкувчи ва талабаларнинг ёш, индивидуал-психологик хусусиятлари жихатидан бир-биридан фарқ қилишлари, ҳамда бўлғуси мутахassislarinинг касбий тайёргарлигига кўйилаётган замон талбларига кўра амалдаги ўкув режаларида талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятига катта эътибор қаратилаётгани билан белгиланади. Бу ўз навбатида педагоглар олдига ҳар бир фан бўйича ўкув машгулотлари билан биргаликда талабанинг мустакил ўкув фаолиятини ҳам оқилона ташкил қилиш ва мунтазам равиша тақомиллаштириб бориш вазифасини қўяди. Зоро, "...бу буюк вазифаларни амалга ошириш учун халқимизнинг фидокорона меҳнати билан тўпланган - салоҳиятимиз ва имкониятимиз бор, куч-кудратимиз етарли. Энг мухими, эртанги кунга бўлган қатъий ишончимиз бизга мустахкам пойdevor бўлажак".¹

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустакил таълим муаммоси ўтган асрда ҳам, ҳозирда ҳам кўплаб олимлар ва тадқиқчиларнинг тадқиқот предмети бўлган. Авваллари улар бу тушунчанинг мазмунига турлича маъно

¹ Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиёти ва халқимиз фаронсонлигини янада юксалтиришdir. – Президент И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasidan. (Халқ сўзи, 30.01.2010 й)

берганлар ва уни “мустакил ўқиши”, “мустакил иш” ва шу каби тушунчалар билан айнишлариганлар. Айримлари бу тушунчани ўқитишнинг бир методи сифатида (А.Усова ва б.), бошқалари - ўқувчиликнинг билиш фаолиятларини ташкил қилиш шакли сифатида (Т.Шамова ва б.), учичилари эса ўқувчилар ўкув фаолиятининг бир кўриниши сифатида (И.Я.Лернер) қараганлар. “Агар ўрганишни инсоний фаолиятнинг умумпсихологик назарияси сифатида каралса, бу тушунчаларни аралаштиришдан қочиш керак”¹.

Мустакил таълим муаммоси ўрганилган тадқиқот ишларида ўкувчи ёки талабалар мустакил ўкув фаолиятларининг педагогик-психологик жихатлари, ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда, мустакил ишларни ташкил қилиш муаммолари, мустакил ишлаш кўникма ва малакаларини аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида шакллантириш, уларда ижодкорлик ва тадқиқчилик қобилиятларини ривожлантириш, мавзуларга оид мустакил иш топширикларини тузиш ва бу топширикларни бажартириш йўл-йўрүиклари, воситаларини ишлаб чикиш масалалари тадқиқ қилинган.

Жумладан, А.Абдуқодиров, А.Абдуллаев, М.Болтаева, В.Вергасов, П.Гальперин, С.Годник, М.Дадамирзаев, В.Крутецкий, В.Листенгартен, И.Морхова; Н.Муслимов, Б.Рахимов, М.Салаева, Н.Садыкова, Д.Тўлаганова, М.Шамсиев, Ш.Шарипов, Г.Шукина, Р.Элмуродов, Р.Кўшинова ва бошқаларнинг ишларида ўкувчилар ёки талабалар мустакил билим олишининг педагогик-психологик асослари тадқиқ қилинган.

Фанларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра мустакил ишларни ташкил қилиш, ўкувчилар ёки талабаларда мустакил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари А. Аширов, Ф.Бабаяров, А.Бакирова, И.Бекбоев, О.Бердиева, Р.Бобоёров, М.Болтаева, Ф.Закирова, Л.Иванова, И.Исаков, М.Исройлов, У.Матназаров, Б.Рахимов, Ф.Саматов, Ф.Содикова, М.Таджиев, А.Тимофеев, Ў.Эрбўтаева, Э.Эшчанов, С.Кулмаматов, О.Кўйсинов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Мустакил таълимни амалга оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари билан С.Абдалова, Б.Абдуллаева, А.Абдуқодиров, Н.Азизхўжаева, И.Алиев, Ў.Алихонов, А.Ахмадалиев, А.Аширова, Р.Бокиев, М.Даминов, Г.Изетаева, Р.Ишмухamedov, В.Казаков, А.Мавлянов, Ю.Мельников, А.Мирзомов, В.Митяев, Т.Оленькова, А.Пардаев, А.Садыкова, М.Тожиев, А.Тошмуродов, А.Тўлаганов, Р.Умирзоков, Қ.Хусанов, Д.Юнусова, С.Қаҳхоров, М.Қўчқаров ва бошқалар шуғулланганлар.

Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган математика фанлари бўйича талабаларнинг мустакил ишларини ташкил қилиш муаммолари юзасидан М.Атакулов, Ш.Аюпов, М.Бадалов, М.Гарунов, В.Ермолаева, Ф.Загирова, Р.Ибрагимов, В.Казаков, А.Мелешина, Н.Перъкова, А.Рахмонов, А.Семакова, Т.Толаганов, С.Тўлаганов ва бошқалар изланишлар олиб боргандар.

Диссертациянинг I бобида бундай тадқиқот ишларидан айримларининг

¹ Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. - Москва, 1977. - 102 с., 57-6.

таҳлили батафсил келтирилган. Масалан, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган алгебра курси бўйича талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини ташкил қилиш масаласига бевосита боғлиқ бўлган Т.В.Оленькованинг (Россия, Ишим ДПУ) диссертациясида педагогика олий ўкув юртлари талабаларининг “Комплекс сонлар” мавзусини ўрганишлари учун компьютер дастурий таъминот яратилган.

Мустакил таълим муаммоси юзасидан олиб борилган юқоридаги каби тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида олий таълим муассасаларининг математика фани асосий ўрин тутган йўналишларида алгебрани ўқитишда талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантириш ва такомиллаштириш зарур, деган холосага келинди. Бунда алгебра фанининг ўзига хос хусусиятларини, куйи курс талабалари учун бу фан материалларини ўзлаштириш мураккаб жараён эканлигини, олий таълим муассасаларида талабалар мустакил ўкув фаолиятининг ўзига хос жихатларини, мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг алгебра фанини тўлақонли ўзлаштиришлари учун зарур бўлган ўкув-услубий таъминотнинг бугунги кундаги ҳолатини, қолаверса, бўлгуси мутахассиснинг билими ва касбий тайёргарлигига қўйилаётган замон талабларини инобатга олиш керак бўлади.

Мазкур тадқиқот иши талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантириш муаммосини университетларда алгебранинг ўқитилиш жараёни мисолида тадқиқ қилиб, аудитория машғулотларини талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятлари нұктай назаридан ташкил қилиш гоясига таянган ҳолда талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантиришнинг замон талаблари доирасидаги сифатли ва самарали усусларини, шакллари ва воситаларини ишлаб чиқишига бағишлиланган. Мазкур тадқиқот иши алгебра бўйича талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича бажарилган Республикаиздаги дастлабки ишлардандир.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши ЎзРнинг “Таълим тўғрисидаги” Конуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, ОЎМТВнинг амалдаги “Талабалар мустакил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида”ги, “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими хақида”ги Низом талабларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 117- қарори ҳамда НамДУ “Алгебра ва математика ўқитиш методикаси”, кафедрасининг “Таълимда ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш” йўналишидаги истикбол режасининг мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

Тадқиқот мақсади: олий таълим муассасаларида алгебрани ўқитишда талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантиришнинг мавзуз материаллари - мавзудаги “таянч”, “асосий” ва “хосилавий нұкта”ларга нисбатан ёндошуvgа асосланган методикасини ишлаб чикиш.

Тадқиқот вазифалари:

- педагогика, психология ва математика таълими назарияси ҳамда амалиётiga оид илмий-методик адабиётларни, мустакил таълим муаммолари тадқиқ этилган илмий ишларни, олий таълимда ўқитиши ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий хужжатларни, университетларда алгебранинг ўқитиши, бу фан бўйича талабалар мустакил ўкув фаолиятини ташкил этишининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва зарур хulosалар чиқариш;
- алгебра фанининг ўкув материалларини аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фаолият учун ажратиш мезонини ишлаб чиқиши;
- алгебра бўйича бажариладиган мустакил ишларнинг шаклини ва турини аниклаш;
- ҳозирги замон инновацион технологиялари асосида алгебра бўйича ўкув жараёни (аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фаолиятни) олиб бориш учун мўлжалланган ўкув-услубий таъминот яратиш;
- талабаларнинг фан материалларини аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фаолият орқали ўзлаштиришларини бир вактда, алоҳида-алоҳида баҳолаш мезонини ишлаб чиқиши;
- яратилган методика ва унинг ўкув-услубий таъминотини педагогик тажрибаларда синовдан ўтказиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объектлари: олий таълим муассасалари бакалавр талабаларининг ўкув фаолияти.

Тадқиқот предмети: университетларда алгебра бўйича олиб бориладиган талабалар мустакил ўкув фаолиятининг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқот методлари: талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятини шакллантириш ва такомиллаштириш муаммосига оид педагогик ва методик тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятини кузатиш; педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш; ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик тахлил қилиш.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Олий таълим муассасаларида алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини самарали шакллантиришга, такомиллаштиришга ва натижада талабалар томонидан алгебра ўкув материалларини ўзлаштириш самарадорлигининг ошишига эришилади, агар:

- университетлардаги куйи курс талабаларининг алгебра бўйича мустакил ўкув фаолияти учун материаллар ажратишда мавзу материаллари - “таянч”, “асосий” ва “хосилавий нұкта”ларга нисбатан ёндошув йўлга кўйилса;

- талабаларнинг мустакил ўкув фаолияти учун алгебра фанининг ўкув материалларини ажратиш мезони ишлаб чиқилса;

- алгебра бўйича олиб бориладиган мустакил ўкув фаолиятда талабаларга нисбатан индивидуаллашган, ўкув материалларига нисбатан дифференциаллашган ёндошув йўлга кўйилса;

- юкоридаги ёндошувларга асосланиб, олий таълим муассасаларида алгебрани ўқитишида талабалар мустакил ўкув фаолиятларини шакллантириш методикаси ва ҳозирги замон инновацион технологиялари асосида у учун

■

хизмат қилувчи ўкув-методик таъминот яратилса;

- талабаларнинг фан материалларини аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фаолият орқали ўзлаштиришларини бир вактда, алоҳида-алоҳида баҳолаш мезони ишлаб чиқилса.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

Алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантиришнинг янги методикаси яратилганлиги. Бунда:

1. Алгебра фанининг ўкув материалларини аудитория машғулотлари ва талабаларнинг мустакил ўкув фаолияти учун ажратиш бўйича методик тавсиялар, босқичли мустакил иш топшириклари тўплами, лаборатория ишланмалари тўплами, босқичли назорат топшириклари тўплами ҳамда тушунчаларга нисбатан гипер мурожаатли электрон кўлланмаларни ўз ичига оловчи ўкув-услубий таъминот яратилди.

2. Алгебра бўйича олиб бориладиган мустакил ўкув фаолиятда талабаларга нисбатан индивидуаллашган, ўкув материалларига нисбатан дифференциаллашган ёндошув йўлга кўйилди.
3. Ҳозирги замон педагогик ва ахборот технологиялари асосида, яратилган методика учун хизмат қилувчи, ўкув материалларини аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фаолияти учун ажратиш бўйича методик тавсиялар, босқичли мустакил иш топшириклари тўплами, лаборатория ишланмалари тўплами, босқичли назорат топшириклари тўплами ҳамда тушунчаларга нисбатан гипер мурожаатли электрон кўлланмаларни ўз ичига оловчи ўкув-услубий таъминот яратилди.

4. Талабаларнинг фан материалларини аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фаолият орқали ўзлаштиришларини бир вактда, алоҳида-алоҳида баҳолаш имконини берувчи параметрли баҳолаш мезони ишлаб чиқилди.

5. Ишлаб чиқилган параметрли баҳолаш мезони учун амалдаги “e-tester” дастурига бириктириш мумкин бўлган компьютер дастурий таъминоти ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги: Олий таълим муассасаларида алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантиришнинг кўйидагиларга асосланган методикаси яратилди:

- аудитория машғулотларини талабаларнинг мустакил ўкув фаолияти нутқи назаридан ташкил қилишга;

- фанининг ўкув материалларини аудитория машғулотлари ва талабаларнинг мустакил ўкув фаолияти учун ажратиш мезонига;

- талабалар аудиториясини сон ва сифат (савия) жихатдан тўла камраб оловчи босқичли мустакил иш топшириклари тўплами, босқичли назорат топшириклари тўплами ҳамда электрон кўлланмаларни ўз ичига оловчи ўкув-услубий таъминотга;

- амалдаги “e-tester” дастурига бириктирилган параметрли баҳолаш мезонига.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

- талаба учун: алгебра бўйича эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мазмуни ҳақида аввалдан тасаввурга эга бўлиш; мустакил ўкув фаолиятини олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш; фан материалларини тўлақонли ўзлаштиришдаги кулайлик; мустакил ўкув фаолиятда ўз-ўзини доимий баҳолаш имкониятларининг яратилганлиги; кулай тарзда (ўзбек

9

тилидаги, услугий кўрсатмали, методик ишланмаларга эга бўлган, индивидуаллашган ва дифференциаллашган) ўкув-услубий таъминотнинг яратилганлиги; алгебра бўйича мустакил ўкув фаолият олиб бориш ва ўз-ўзини баҳолаш учун компьютер дастурий таъминотининг яратилганлиги;

- ўқитувчи учун: ўкув материалларини аудитория машғулотлари ва талабаларнинг мустакил ўкув фаолияти учун оқилона ва самарали таксимлаш ҳамда қайта тақсимлаш; талабаларнинг ўкув материалларини аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фаолияти орқали ўзлаштиришларини алоҳида-алоҳида, лекин уйғунлашган ҳолда бир вақтда баҳолаш; талабаларнинг ўкув материалларини ўзлаштирганларни бўйича доимий назорат мониторингини олиб бориш ва ўкув жараёнининг ташкил қилинганлик ҳолатини баҳолаш имкониятларининг яратилганлиги;

- ўкув жараёни учун: аудитория машғулотлари ва талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятини мувофиқлашган ҳолда самарали ташкил қилинишига эришилганлиги.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот иши натижалари Наманган, Андижон, Бухоро ҳамда Термиз давлат университетларида 5460100 - математика йўналишининг 1- ва 2- курс талабаларига “Алгебра ва сонлар назарияси” фани бўйича ўкув жараёнларини (аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фаолиятини) ташкил қилиш ва талабаларнинг шу фан бўйича ўзлаштириш натижаларини аниқлашга жорий этилди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот ишининг асосий мазмуни ва натижалари юзасидан НамДУнинг “Алгебра ва математика ўқитиш методикаси”, “Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика”, “Амалий математика ва ахборотлар технологиялари” (2006-2010 й.), ТДПУнинг “Математика ва уни ўқитиш методикаси”, “Математик таҳлил”, “Амалий математика ва информатика” (2008-2009 й.), ЎзМУнинг “Алгебра ва функционал анализ”, “Ахборот технологиялари” (2009 й.), БухДУнинг “Алгебра ва анализ”, “Дифференциал тенгламалар”, “Амалий математика ва ахборот технологиялари” (2007-2010 й.), ТерДУнинг “Математик таҳлил”, “Дифференциал тенгламалар ва геометрия”, “Амалий математика ва информатика” кафедралари кўшма семинарларида (2007-2010 й.), АДУнинг “Математика” (2007-2010 й.) кафедраси илмий-методик семинарларида; Республика миқёсида ўтказилган турли конференциялар, хусусан, НамДУда “Ёш математикларнинг янги теоремалари - 2003”, “Табиий фанларни ўқитишнинг долзарб муаммолари” (2006 й.), “Таълим ва тарбия жараённида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш” (2009 й.), “Ёш математикларнинг янги теоремалари - 2009”; АДУда “Узлуксиз таълим тизимида математика фанини ўқитишни таомиллаштириш масалалари” (2006 й.), ТДПУда “Хозирги замон математикаси ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари” (2010 й.), ЎзМУ кошидаги ОПИда “Таълимда педагогик ва инновацион-ахборот технологияларидан фойдаланиш” (2011), Қарши ДУда “Хозирги замон математикасининг долзарб муаммолари” (2011 й.), ГулДУ да “Олий таълим мусассасаларида мустакил таълим: бугуни ва келажаги” (2011 й.) да маърузалар қилиниб, мухокама этилган ва ижобий тавсиялар олинган.

Натижаларнинг ўзлон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари муаллифнинг 29 та илмий-методик ишларида ўз аксини топган бўлиб, жумладан, МДХ давлатлари худудида (Россия) 1 та, турли даврий илмий журналларда 14 та (хусусан, ОАК рўйхатига киритилган журналларда 10 та), Республика миқёсида турли конференция материаллари тўпламларида 9 та мақола, 4 та ўкув-услубий қўлланма, 1 та электрон қўлланма чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, умумий хulosалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 150 сахифани ташкил килди, таркибига 13 та расм ва 12 та жадвал киритилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмida мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот обьекти ва предмети, тадқиқот методлари, химояга олиб чиқиляётган ҳолатлар, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, ишнинг синовдан ўтиши ҳамда натижаларнинг ўзлон қилинганлиги ўз аксини топган.

Диссертациянинг I боби “Педагогика назарияси ва амалиётида талабаларнинг мустакил ўкув фаолияти” деб номланган бўлиб, у учта банддан ташкил топган.

“Талабалар мустакил ўкув фаолиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик асослари” деб номланган биринчи бандда педагог ва психолор олимлар, тадқиқотчиларнинг ўрганилган адабиётлар асосида мустакил таълим, мустакил иш, мустакил ўкув фаолият тушунчаларига берган таърифлари мустакил иш ҳамда мустакил ўкув фаолиятнинг турлари ва шакллари, талабаларнинг фан материалларини ўзлаштиришларида тутган ўрни ҳамда мустакил ўкув фаолиятни ташкил қилиш омиллари, муайян фанлар бўйича ўкувчи-талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, эришилган натижалар, киритилган таклиф-мулоҳазалар ва чиқарилган хulosалар қисқача баён қилинган.

“Талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятини амалга оширишда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти” номли иккинчи бандда инновацион (замонавий педагогик ва ахборот) технологиялар ва уларнинг талабалар мустакил ўкув фаолиятини шакллантириш ва таомиллаштириша тутган ўрни ҳақида фикр юритилган, “технология”, “инновацион технология”, “педагогик технология”, “ахборот технологиялари”, “интерфаол усуллар” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти турли олимлар ва тадқиқотчilar нуқтаи назаридан очиб берилган. Кўпгина илмий-педагогик адабиётларда тан олинган ва таълим муассасаларида энг кўп қўлланилаётган бир нечта инновацион методларнинг мақсади ва мазмуни ёритилиб, уларнинг таълим жараёнини ташкил қилишдаги аҳамияти баён қилинган.

I бобнинг “Алгебра бўйича талабалар мустакил ўкув фаолиятини ташкил этиш жараёнидаги мавжуд муаммолар ва уни ҳал этиш йўллари”

деб номланган учинчи бандида эса Республика мустакил ўкув фоалиятини ташкил этишнинг бугунги кундаги ҳолати, мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, уларни ҳал қилиш йўллари белгиланган. Жумладан, алгебранинг ўзига хос жихатларини, талабаларнинг ёш, индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аудитория машғулотларини талабаларнинг мустакил ўкув фоалиятини ташкил этиши йўлларидан бири сифатида белгиланди. Бунда фан материалларини аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фоалият учун ажратишда яхлит мавзулар бўйича эмас, балки мавзу материаллари бўйича, яъни мавзудаги “таянч”, “асосий” ва “хосилавий нукта”ларга асосланган ёндошувни йўлга кўйиш, мустакил ўкув фоалиятда талабаларга нисбатан индивидуаллашган, материалларга нисбатан дифференциаллашган ёндошув асосида талабаларга ўз-ўзини баҳолаш имкониятларини яратиш, уларни ўкув материалларини тўлақонли ўзлаштиришлари ва самарали мустакил фоалият олиб боришилари учун хизмат қилувчи ўкув-услубий таъминот билан таъминлаш, мустакил ўкув фоалиятда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини излаб топиш, олий таълим тизими учун амал килаётган баҳолаш тизимига ҳамда талабаларнинг мустакил ишларини ташкил қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги Низомларга тўла мос келувчи, талабаларнинг ўкув материалларини аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фоалият орқали ўзлаштиришларини бир вактда, лекин алоҳида алоҳида баҳолаш имконини берувчи, аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фоалият учун ажратилган ўкув материалларининг ҳажмини ва кийинлик даражасини ҳисобга олувчи, аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фоалиятни ташкил қилиш усулларини, яратилган ўкув-методик таъминотнинг сифатини баҳолаш имкониятини берувчи баҳолаш мезонини ишлаб чикиш кабилар асосий омиллар ҳисобланади.

Диссертациянинг “Алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустакил ўкув фоалиятларини шакллантириш методикаси” деб номланган II боби ҳам учта банд орқали баён қилинган бўлиб, улар алгебра бўйича талабаларнинг мустакил ўкув фоалиятини ташкил қилиш бўйича биринчи бобда келтирилган муаммоларни ҳал қилишга бағишинан. Хусусан, “Талабаларнинг мустакил ўкув фоалияти учун ўкув материалларини ажратиш мезони” деб номланган биринчи бандда мавзу материалларини аудитория машғулотлари ва талабаларнинг мустакил ўкув фоалияти учун ажратиш мезони келтирилган. Ушбу мезонни яратишида педагог В.Ф.Шаталовнинг “таянч нукта” методи асос килиб олинниб, унга кўра ҳар бир мавзунинг “таянч нукта”лари ажратиб чиқилган. Булар: “таянч тушунчалар”, “бош ғоя”, “таянч хоссалар”, “таянч усуллар” ва “таянч теоремалар”дир. Бу мезон куйидагилардан ташкил топган:

1. Мавзудаги “таянч нукта” (таянч тушунчалар, бош ғоя, таянч теоремалар, таянч хоссалар, таянч усуллар) албатта маърузада келтирилиши, амалий машғулотларда уларга доир масала-мисоллар ечилиши керак.

2. Мавзудаги ворис тушунча ва усуллар мустакил фоалиятга колдирилиши мумкин, фақатгина бу тушунча ва усулларнинг киритилишидаги мантикий

нозик томонларига аудитория машғулотларида талабаларнинг дикқатини жалб этиш керак.

3. Мустакил ўкув фоалиятга колдириладиган материаллар фаннинг кейинги мавзулари ёки маҳсус бобларида “таянч нукта” бўлмаслиги керак.

4. Мавзу материалининг мустакил ўкув фоалиятга колдирилаётган кисмни унинг аудитория машғулотларига ажратилган кисмлари ёки аввалги мавзу материаллари ёхуд талабаларда мавжуд (аввалги таълим тизимларидан ёки бошқа фанлардан) билимлар ёрдамида керакли адабиётлардан фойдаланган ҳолда тўлиқ ўзлаштириш мумкин бўлиши керак.

5. Мавзу материалининг аудитория машғулотларига ва мустакил ўкув фоалиятга ажратилган кисмлари биргаликда шу мавзу юзасидан талаба эгаллаши керак бўлган барча билим, кўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштириши керак.

6. Мавзуларнинг мустакил ўкув фоалиятга колдирилаётган материаллари кийинлик даражасига кўра ўзлаштириш имкониятлари турлича бўлган талабалар учун мос савияда етарли миқдорда бўлиши керак.

Бу мезон асосида тадқиқотчи томонидан алгебра фанি материаллари аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фоалият учун ажратиб чиқилган ва у методик тавсиялар сифатида “Алгебрадан ишланмалар” номи билан чоп эттирилган.

II бобнинг “Талабалар мустакил ўкув фоалиятини ташкил этиш шакллари ва воситалари” деб номланган иккинчи бандида эса таълимда дифференциаллашган ёндошувни йўлга кўйиш борасида бир нечта тадқиқотчиларнинг натижаларини таҳлил этган ҳолда, мустакил ўкув фоалиятда талабаларга тавсия этиладиган мустакил иш топширикларига кўйиладиган минимал талаблар келтирилган. Бу талаблардан келиб чиқиб, талабаларга нисбатан индивидуаллашган, материалларга нисбатан дифференциаллашган ёндошувни йўлга кўйиш мақсадида мустакил ўкув фоалиятни ташкил этишнинг шаклларидан бири сифатида ажратилган ўкув материаллари бўйича тузиладиган тўрт босқичли мустакил иш топширикларининг мазмуни тавсифлаб берилган ҳамда бу босқичли топширикларнинг мустакил ўкув фоалиятни амалга оширишдаги амалий аҳамияти очиб берилган. Ушбу бандда мустакил ўкув фоалиятни ташкил этиш ва амалга ошириш воситалари сифатида фойдаланилган замонавий педагогик ва ахборот технологиялар тавсифланиб, тадқиқот давомида топшириклари тўрт босқичда табакалаштирилган ҳолда яратилган “Алгебрадан мисол ва масалалар тўплами”, “Алгебрадан лаборатория ишланмалари тўплами” ҳамда “Алгебрадан электрон кўлланмана”ларнинг имкониятлари очиб берилган. Жумладан, электрон кўлланманинг ишлаш принципи (2-расм) ва ўргатувчи, йўналтирувчи, етакловчи, баҳоловчи, рағбатлантирувчи характерларга эга бўлган дастури орқали фойдаланувчи учун яратадиган куйидаги кулийклари келтирилган:

1. Электрон кўлланма ёрдамида талабалар ўзлари танлаган мавзунинг мустакил ўкув фоалият учун ажратилган материаллари юзасидан босқичли мустакил иш топшириклари бажарадилар.

2. Босқичли мустақил иш топшириқлари бажаришдан аввал талабалар ўзларининг ҳохишларига кўра танлаган мавзулари бўйича назарий маълумотлар ёки масала-мисолларнинг ечимларига намуналар билан танишадилар.

3. Босқичли мустақил иш топшириқларини бажариш вақтида талабалар ўзлари ҳохлаган тушунчаларнинг таърифи ва у ҳақидаги назарий маълумотларга ёки шу тушунчага оид кўнишка ва малакалар эгаллашга каратилган намунавий ечимларга кетма-кет, ичма-ич мурожаат қиласидилар. Мурожаат вақтида ҳохлаган қадамда топшириқларга қайтадилар.

4. Босқичли мустақил иш топшириқларини бажариб бўлгандан сўнг ўз-ўзини текшириш тестлари ёрдамида танланган мавзу(лар) юзасидан билим, кўнишка ва малакаларнинг эгалланганлик даражасини баҳолайдилар.

5. Электрон кўлланма ёрдамида талабалар ўзлари ҳохлаган жойда (локал ёки глобал тармоқ орқали) ва ҳохлаган вақтда мустақил ўкув фаолият олиб борадилар.

6. Электрон кўлланма ёрдамида мустақил ўкув фаолият олиб бориш давомида талабалар ўзлари ҳақидаги маълумотларни киритиб қўйганликлари боис, ўқитувчининг олиб борадиган назорати учун мустақил ўкув фаолият олиб борганиларни ва ўз-ўзини текшириш тестлари бўйича қандай натижаларга эришганлари ҳақида “из” қолдирадилар.



2-расм. “Алгебрадан электрон кўлланма” дастурининг ишлаш принципи

II бобнинг учинчи банди “Талабаларнинг мустақил ўкув фаолияти натижасидаги ўзлаштиришларини назорат қилиш ва баҳолаш мезони” деб номланади. Унда талабаларга ўз-ўзини баҳолаш имконини берувчи, олий таълим тизими учун амал килаётган талабалар билимини баҳолаш тўғрисидаги хамда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги Низомларга тўла мос келувчи, талабаларнинг ўкув материалларини аудитория машгулотлари ва мустақил ўкув фаолият орқали ўзлаштиришларини бир вақтда, лекин алоҳида-aloҳида баҳолаш, аудитория машгулотлари ва мустақил ўкув фаолият учун ажратилган ўкув материалларининг ҳажмини ва кийинлик даражасини хисобга олиш, аудитория машгулотлари ва мустақил ўкув фаолиятни ташкил қилиш усусларини, яратилган ўкув-методик таъминотнинг сифатини баҳолаш мақсадида яратилган параметрли баҳолаш мезонинг умумий кўриниши (1-жадвал) ва айрим хусусий ҳоллари (2-жадвал)га мисоллар келтирилган.

1-жадвал Параметрли баҳолаш мезонининг умумий кўриниши (баллар % хисобида)

Max.балл % да	1- босқич - 70		2- босқич - 85		3- босқич -94		4- босқич -100	
	$\alpha x + \beta xk$		$\alpha y + \beta yk$		$\alpha z + \beta zk$		$\alpha t + \beta tk$	
	αx	βxk	αy	βyk	αz	βzk	αt	βtk

бу ерда α – аудитория машгулотлари учун ажратилган ўкув материалларининг ҳажми, β – мустақил ўкув фаолият учун ажратилган ўкув материалларининг ҳажми, k – талабаларнинг мустақил ўкув фаолиятдаги меҳнатлари учун рағбатни (мустақил ўкув фаолият учун ажратилган ўкув материалларининг кийинлик даражасига нисбатан), x, y, z, t – лар эса назорат топшириқларининг сонини билдиради.

2- жадвал Материаллар тақсимоти тенг миқдорда бўлган ҳолда босқичли топшириқлар бўйича $k = 1,24$ коэффициентга мос келувчи баҳолаш мезони (баллар % хисобида)

Max.балл % да	70 $x + xk$		85 $y + yk$		94 $z + zk$		100 $t + tk$	
	31	39	38	47	42	52	45	55

Ушбу бандда параметрли баҳолаш мезонини амалдаги web технология асосида яратилган “e-tester” дастури билан биректирилганлиги ва хосил бўлган мукаммал “tester”нинг назорат турларини компьютер воситаси ёрдамида ўтказиш, дарс турлари ва мустақил ўкув фаолиятни ташкил қилиш усусларини, яратилган ўкув-услубий таъминотнинг сифатини баҳолаш каби бир неча имкониятлари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг III боби “Педагогик тажриба-синовлар ўтказиш ва олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш” деб номланаби, у иккита банддан ташкил топган. “Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш” деб номланган биринчи бандида алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустақил ўкув фаолиятларини шакллантириш юзасидан яратилган методика ва унинг ўкув-услубий таъминоти самародорлигини, диссертация фаразининг тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида тажриба майдонлари бўлмиш Наманган, Андижон, Бухоро ва Термиз давлат университетларида тажриба-синов дастури асосида ташкил этилган ва босқичма-босқич ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларининг баёни ҳамда ҳар бир босқичда амалга оширилган ишлар тўлиқ баён этилган.

III бобнинг “Тажриба-синов натижалари ва уларнинг математик-статистик таҳлили” деб номланган иккичи бандида 2007/2008 ўкув йилида Наманган давлат университети 5460100-математика йўналиши 1-курс талабаларидан иборат синов ва назорат гурӯхларида “Алгебра ва сонлар назарияси” фани бўйича ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларининг батафсил баёни, олинган натижаларнинг ўзлаштирилган билимлар ҳажмини ифодаловчи кўрсат-

кич асосида баҳолангани (3- жадвал), бу кўрсаткичнинг барча тажриба майдонларида мос равишда бир-бирига яқин қийматлар қабул қилганини, олинган натижалар синов гурухларида назорат гурухларидагига нисбатан 12 - 14 % га юкори бўлганини баён қилинган.

3- жадвал

Ўзлаштирилган билимлар ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичнинг семестр якунидаги қиймати

Ўзлаштирилиши керак бўлган билим элементлари миқдори $m = 225$											
Ўзлаштирилган билимлар ҳажми (%да- $\%_m$ · 100%)	51-55	56-60	61-65	66-70	71-75	76-80	81-85	86-90	91-95	96-100	Жами
101,102-синов гурухлари	1	2	4	4	9	12	15	4	1	-	52 та
103, 104-назорат гурухлари	3	14	12	7	6	3	2	2	1	-	50 та


4- жадвал

\bar{x} ва \bar{y} тасодифий миқдорларни кузатиш натижасида олинган 1- ва 2- танланмаларга мос келувчи вариацион қаторлар

Ораликлар тартиб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
Ораликлардаги ўртача баллар - x_i, y_j	53	58	63	68	73	78	83	88	93	98	
1-танланма: (синов гурухи)											
n_i	$\sum_{i=1}^{10} n_i = 52$	1	2	4	4	9	12	15	4	1	-
2-танланма: (назорат гурухи)											
m_j	$\sum_{j=1}^{10} m_j = 50$	3	14	12	7	6	3	2	2	1	-

Ушбу бандда 3- жадвалда ўз аксини топган натижалар асосида ўтказилган статистик таҳлил натижалари келтирилган. Бунинг учун синов ва назорат гурухидаги баҳолаш кўрсаткичлари мос равишда \bar{x} ва \bar{y} тасодифий миқдорларни кузатиш натижасида олинган 1- ва 2- танланмалар деб олиниб, қўйидаги 4- жадвал орқали берилган вариацион қаторлар тузилган.

Бу танланмаларга мос келувчи гистограмма 3- расмда тасвирланган.



3-расм. Тажриба-синов натижаларининг гистограммаси

Мазкур бандда 4- жадвалда акс эттирилган натижаларнинг Пирсон ("хи-квадрат") мезони орқали амалга оширилган математик статистик тахлиллари келтирилган. Мезон статистикасининг кузатилган қиймати унинг $a = 0,05$ аҳамиятлилик даражасидаги критик қийматидан катта, яъни $x_{\text{кр}}^2 = 31,4 > 3,84 = x_{\text{кр}}^2$ бўлгани учун "хи-квадрат" мезонидан шу аҳамиятлилик даражасида тадқиқот иши натижаларининг самарали эканлиги, яъни тадқиқот ишида қабул қилинган илмий фаразнинг ҳаққонийлиги ҳақида холоса чиқарилган.

ХУЛОСА

- Олий таълим муассасаларида муайян фаннинг ўкув материалларини аудитория машғулотлари ва талабаларнинг мустакил ўкув фаолияти учун ажратиша талабаларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятлари билан бир қаторда ушбу фаннинг ўзига хос жихатларини ҳам ҳисобга олиш керак.
- Фаннинг мутахассис тайёрлашда тутган ўрни ва талабаларнинг ўкув материалларини ўзлаштириш имкониятлари даражасини ҳисобга олган ҳолда аудитория машғулотлари ва талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятини ташкил қилиш ва ўтказиша инновацион технологияларни ташлаш ва улардан самарали фойдаланиш лозим.
- Фаннинг мустакил ўкув фаолият учун ажратилган материаллари ва топшириклари билим олиш имкониятлари турлича бўлган талабаларнинг ҳар бири учун етарли сонда бўлиши билан бирга уларни илмий-ижодий изланишга йўналтириши ва илмий тадқиқотчиликка тайёрлаши лозим.
- Фан бўйича аудитория машғулотларини талабаларнинг мустакил ўкув фаолияти нукти назаридан ташкил қилиш ва ўтказиши - ўкув жараёнини самарали ташкил қилишнинг асосий омилидир.
- Талабалар фан бўйича мустакил ўкув фаолият олиб боришлари учун яратилган ўкув-услубий таъминот ўргатувчи, йўналтирувчи, етакловчи, баҳоловчи, рағбатлантирувчи характеристларга эга бўлиши керак.
- Талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини баҳолаш мезони уларга ўз-ўзини мунтазам баҳолаш имкониятларини бериш билан бирга аудитория машғулотлари ва мустакил ўкув фаолият орқали ўзлаштиришларини бир вактда алоҳида-алоҳида баҳолаш имконини бериши лозим.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳ.Нажмиддинова. Талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш ҳақида//“Ёш математикларнинг янги теоремалари - 2003”: Республика илмий анжумани материаллари. - Наманган: НамДУ, 2003. - Б. 51-52 .
2. Ҳ.Нажмиддинова.Математика дарсларида комплекс сон тушунчасини киритиш ва уни ўргатиш методикаси//Табиий фанларни ўқитишининг долзарб муаммолари:Республика илмий анжумани материаллари.–Наманган:НамДУ,2006.-Б.99-101.
3. Ҳ.Нажмиддинова. Узлуксиз таълим боскичларида математик индукция усулидан фойдаланиш // Узлуксиз таълим тизимида математика фанини ўқитишини такомиллаштириш масалалари: Республика илмий анжумани материаллари. – Андижон: АДУ, 2006. - Б. 99 -100.
4. Ҳ.Нажмиддинова. Таълим боскичларида муайян тушунча билан боғлик билимларни беришдаги узвийлик // НамДУ Илмий Ахбороти. - Наманган, 2007. - № 1. – Б. 47 - 49.
5. Ҳ.Нажмиддинова. Алгебрадан лаборатория ишланмалари тўплами/ Услубий кўлланма. – Наманган: НамДУ, 2007. – 120 б.
6. Ҳ.Нажмиддинова Алгебрадан назорат топшириклари тўплами / Услубий кўлланма. – Наманган: НамДУ, 2007. – 132 б.
7. Ҳ.Нажмиддинова. Фан бўйича талабанинг мустакил фаолиятини шакллантириш ҳақида// НамДУ Илмий Ахбороти. - Наманган: НамДУ, 2007. - № 2. – Б. 138-139.
8. Ҳ.Нажмиддинова. Алгебра ва сонлар назариясини ўрганишда талабанинг мустакил ўкув фаолияти асосларини ташкил қилиш // Халқ таълими. - Тошкент, 2008. - № 2. – Б. 89-91.
9. Ҳ.Нажмиддинова. Олий таълим тизимида фан бўйича ташкил қилинган мустакил таълим фаолияти материалларини ажратиш ҳақида // НамДУ Илмий Ахбороти. - Наманган, 2008. - № 1. – Б. 113-116.
10. Ҳ.Нажмиддинова. Олий таълим тизимида талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятидаги ўзлаштиришларини баҳолаш // Халқ таълими. – Тошкент, 2008. - № 5. – Б. 13 -16.
11. Ҳ.Нажмиддинова Алгебрадан ишланмалар / Услубий кўлланма. – Наманган: НамДУ, 2008. – 90 б.
12. Ҳ.Нажмиддинова. Алгебрадан мисол ва масалалар тўплами / Услубий кўлланма. – Наманган: НамДУ, 2008. – 152 б.
13. Ҳ.Нажмиддинова. Олий таълим тизимида алгебра фани бўйича талабаларнинг мустакил таълим фаолиятларини шакллантириш зарурatlари // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008. - № 6. – Б. 74-81.
14. Ҳ.Нажмиддинова Олий таълим тизимида талабанинг мустакил таълим фаолиятини шакллантириш//Таълим муаммолари.-Тошкент, 2009.-№1.-Б.26-28.
15. Ҳ.Нажмиддинова. Олий таълим тизимида талабанинг мустакил ўкув фаолиятини шакллантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш //Таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш: Республика илмий-амалий анжумани материаллари, 1-қисм.–

Наманган: НамДУ, 2009. - Б. 61 - 63.

16. Ҳ.Нажмиддинова. Олий таълим тизимида дарс турларини талабанинг мустакил таълим фаолияти нуқтаи назаридан ташкил этиш//Педагогик маҳорат. - Бухоро, 2009. - № 3. - Б.18-22.
17. Ҳ.Нажмиддинова. Алгебра фани бўйича талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантириш усуллари (тажриба-синов ишлари натижалари) // Педагогик таълим. – Тошкент, 2009. - № 3. – Б. 78-84.
18. Ҳ.Нажмиддинова. Талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятидаги ўзлаштиришларини баҳолаш мезони // “Ёш математикларнинг янги теоремалари-2009”: Республика илмий анжумани материаллари. - Наманган: НамДУ,2009.-Б. 51-52.
19. Ҳ.Нажмиддинова. Талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятида ўзлаштириш самарадорлигига эришиш // Таълим муаммолари.-Т., 2009.-№ 3.- Б. 7-11.
20. Ҳ.Нажмиддинова. Талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятидаги ўзлаштиришларини баҳолаш мезонлари ҳақида // НамДУ Илмий Ахбороти.- Наманган: НамДУ, 2009.- № 2. Б. 16-20.
21. М.Бадалов, Ҳ.Нажмиддинова, А.Мирзамов. Алгебрадан электрон кўлланма // ЎзР давлат патенти. Гувоҳнома № DGU 01990.- Т.,19.07.2010 й.
22. Ҳ.Нажмиддинова. Талабалар мустакил ўкув фаолиятининг аудитория машгулотлари билан боғланишини такомиллаштириш ҳақида // “Хозирги замон математикаси ва уни ўқитишининг долзарб муаммолари”: олий ўкув юртлариаро илмий-амалий конференция материаллари, 2-қисм. – Тошкент: ТДПУ, 2010. – Б. 56 - 58.
23. Ҳ.Нажмиддинова. Талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятидаги ўзлаштиришларини баҳолаш мезонлари ҳақида // “Таълим муаммолари”. - Тошкент, 2010. – № 1. – Б. 77 - 81.
24. Ҳ.Нажмиддинова. Организация и проведение самостоятельной учебной деятельности студентов по предмету // “Педагогические науки”. – Москва, 2010. - № 4. - С. 83 – 86.
25. Ҳ.Нажмиддинова. Алгебранинг “туб” ва “ёйилмайдиган” элементлари ҳақида // Физика, математика ва информатика. – Т., 2010. – № 5. - Б.92 - 94.
26. Ҳ.Нажмиддинова Фандаги “таянч нуқта”ларнинг киритилишида ворисийлик хусусиятларининг аҳамияти//“Узлуксиз таълим”-Тошкент,2010.-№6.-Б.36-40.
27. Ҳ.Нажмиддинова. Талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятида инновацион технологиялар//Таълимда педагогик ва инновацион-ахборот технологиялардан фойдаланиш: Республика илмий-услубий анжуман материаллари. - Тошкент: ЎзМУ, ОПИ, 2011. - Б.110-113.
28. М.Бадалов, Ҳ.Нажмиддинова. Талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятини такомиллаштириш ҳақида // Хозирги замон математикасининг долзарб муаммолари: Республика илмий анжумани материаллари - Қарши: Қарши ДУ, 2011. - Б. 444 - 446.
29. М.Бадалов, Ҳ.Нажмиддинова. Мустакил таълимнинг ўкув-методик таъминотини яратиш ҳақида // Олий таълим муассасаларида мустакил таълим: бугуни ва келажаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Гулистон: ГулДУ, 2011. - Б. 157 - 159.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Нажмиддинова Ҳилола Ёкубжановнинг 13.00.02 - “Аниқ ва табиий фанларни ўқитиши методикаси” (математика) ихтисослиги бўйича “Олий таълим муассасаларида алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантириш методикаси” мавзуусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: ўкув фаолияти, мустакил ўкув фаолияти, фан материаллари, инновацион технологиялар, ўзлаштиришни баҳолаш мезонлари.

Тадқиқот объектлари: олий таълим муассасалари бакалавр талабаларининг ўкув фаолияти.

Ишнинг мақсади: олий таълим муассасаларида алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантиришнинг мавзуу материалларига нисбатан ёндошувга асосланган методикасини ишлаб чиқиши.

Тадқиқот методлари: муаммога оид илмий, услубий, педагогик-психологик адабиётлар таҳлили; педагогик кузатиш, сұхбат қилиш; талабаларнинг мустакил билим олиши ва ўзлаштирган билимларини аниклаш учун ишлаб чиқиған методикани тажрибадан ўтказиш ва олинган натижаларни математик-статистик таҳдил қилиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантириш методикасининг яратилганлиги.

Амалий аҳамияти: ўкув жараёнини аудитория машғулотлари ва талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятига фан материалларининг унумли тақсимланишини мувофиқлаштирган ҳолда самарали ташкил қилиниши.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот ишида кўйилган масала илмий, назарий, педагогик, психологик ҳамда методик нуктаи назардан алгебра фанининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда чукур тадқиқ қилинди, алгебрани ўқитишида талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларини шакллантириш методикаси яратилди ва уни ўкув жараёнига татбиқ этилганда талабаларнинг ўзлаштириш даражаси 12-14 % га ошганлиги тажриба-синон ишларida маълум бўлди.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Тадқиқот иши натижаларини муайян фанни ўқитиши жараённада (аудитория машғулотларидаги ва талабаларнинг мустакил ўкув фаолиятларидаги ўзлаштиришлари керак бўлган материаллар тақсимотини мувофиқлаштиришда), талабаларнинг фан материалларини ўзлаштирганликлари бўйича ўзлари ва ўқитувчи томонидан доимий назорат мониторингини олиб боришида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Нажмиддиновой Хилолы Якубджановны на тему «Методика формирование самостоятельной учебной деятельности студентов при обучении алгебры в высших учебных заведениях» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.02 – Методика обучения точным и естественным наукам (математика).

Ключевые слова: учебная деятельность, самостоятельная учебная деятельность, учебный материал по предмету, инновационные технологии, критерии оценки успеваемости.

Объекты исследования: учебная деятельность студентов-бакалавров высшей учебной заведения.

Цель работы: разработать методике формирование самостоятельной учебной деятельности студентов при обучении алгебры в высших учебных заведениях основана на распределению учебных материалов по теме.

Методы исследования: анализ научно-методической, педагогико-психологической литературы по теме; педагогическое наблюдение, беседы; экспериментирования методики самообразования и выявления знаний студентов и математико-статистический анализ результатов исследования.

Полученные результаты и их новизна: разработана методика формирование самостоятельной учебной деятельности студентов по алгебре.

Практическая значимость: результаты исследования могут оказать следствие эффективному распределению учебного материала по видам занятий согласно задач по повышению роли самостоятельной работы студентов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: исследуемый предмет подвергнут глубокому научному теоретическому, педагогико-психологическому анализу с учетом специфики алгебры как учебной дисциплины; разработана новая методика формирование самостоятельной учебной деятельности студентов, в результате применения которой отмечена повышения уровня успеваемости на 12 – 14 % .

Область применения: результаты исследования могут быть применяться в процессе преподавание конкретного предмета (в организации эффективного распределения учебных материалов по предмету, которые должны быть усвоено студентами в аудиторных занятиях и через самостоятельной учебной деятельности), а также в процессе организации самооценки студентов и мониторинга со стороны преподавателя.

R E S U M E

Thesis of Najmiddinova Hilola Yakubjanovna on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in pedagogic on speciality 13.00.02 – Methods of teaching exact and natural sciences (mathematics), subject "**Methods of forming an independent educational activity of students in learning algebra in higher education**"

Key words: educational activity, independent educational activity of work, a teaching material in a subject, innovative technologies, criteria of a gain score.

Subjects of research: process of studying of algebra at a stage of the bachelor in university formation.

Purpose of work: develop a method of forming an independent educational activity of students in learning algebra in higher education is based on the distribution of educational materials on the topic.

Methods of research: the analysis of the scientifically-methodical, pedagogic-psychological literature on a theme; pedagogical supervision, conversations; experimented techniques of self-education and revealing of knowledge of students and the mathematical-static analysis of results of research.

The results obtained and their novelty: developed a method of forming an independent educational activity of students in algebra.

Practical value: results of our research can render consequence to effective distribution of a teaching material by kinds of employment according to problems in increase of a role of independent work of students.

Degree of embed and economic effectivity: an investigated subject will subject to the deep scientific theoretical, pedagogical-psychological analysis in view of specificity of algebra as subject matter; developed a new method of forming self-learning activities of students, as a result of a marked increase performance by 12 – 14 %.

Field of application: results of research can be applied during teaching a concrete subject (in the organization of effective distribution of teaching materials in a subject which should be acquired by students in auditing employment and through independent educational activity), and also during the organization of a self-estimation of students and monitoring from the teacher.

Чоп этишга рухсат этилди 26.10.2011. Бичими 60x84 1/16. Шартли босма табоги 1,25. Нашр босма табоги 1,0. Нусхаси 100. Буюртма № 77

МЧЖ "GEO FAN POLIGRAF" босмахонасида чоп этилди.
100170. Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 24